

# Маъруза № 4

## Маъруза мавзуси

**ЙИРИНГЛИ ЖАРАЁНЛАРНИ  
ЖАРРОҲЛИК ЙЎЛИ БИЛАН  
ДАВОЛАШНИНГ АСОСИЙ  
ТАМОЙИЛЛАРИ.**

**Маърузачи: катта ўқитувчи Гульманов И.Д.**

# Мавзу мақсади

Йирингли жараёнларнинг  
баъзи симптомлари ва  
тарқалиш йўлларига оид  
топографик-анатомик  
маълумотларни ёритиш.


# Йирингли-яллиғланиш жараёнлар

Улар тери ости ва мускуллараро клетчаткалар, томир-нерв тутами фасциал ғилофлари, фасциялараро тирқишлар ва мускуллараро оралиқлар буйлаб тарқалади.

Бирламчи ўчоқдан қўшни соҳаларга йирингли жараёнларнинг тарқалишини тушуниш учун йиринг тарқалишининг барча йўлларини иккита гуруҳга ажратиш мумкин:

- Бирламчи;
- Иккиламчи.

■ **Бирламчи** – анатомик структуралар ва элементлар бузилиши руй бермасдан табиий фасциялараро ва мускуллараро клетчаткаларнинг секин-аста йиринг натижасида «чириши». Бириктирувчи тўқима, ёғ клетчаткаси йиринг тарқаладиган ***locus minoris resistentiae*** ҳисобланади.






- **Иккиламчи** — анатомик элементлар ва структуралар бузилиши, шунинг оқибатида йирингнинг бир фасциал ғилофдан ёки мускуллараро клетчаткалардан иккинчисига ўтиши билан кечади.


# Йирингли жараёнлар тарқалишининг бирламчи йўллари

- Асосий тарқалиш йўллари фасцияларнинг йўналиши билан аниқланади, йиринг фасциялар бўйлаб оқиб боради.
- Фасциялар бир-биридан структур-функционал хусусиятлари билан фарқланадики, бу жараён ривожланишига таъсир қилади.
- Келиб чиқишига кўра, фасцияларнинг 4 та асосий гуруҳи фарқланади:
  - 1) бириктирувчи тўқимали;
  - 2) мушакли;
  - 3) целомик;
  - 4) параангиал.

■ **Бириктирувчи тўқимали фасциялар** ҳаракатдаги мушаклар ёки мускуллар гуруҳлари атрофидаги бириктирувчи тўқиманинг зичлашиши ҳисобига ривожланади (*фасция – бу ҳаракат маҳсулоту*).





■ **Параангиал фасциялар**  
пулсацияловчи томирлар  
атрофидаги ғовак  
клетчатканинг секин-аста  
зичлашиши ҳисобига  
юзага келади ва томир-  
нерв тутамлари учун  
фасциал қин ҳосил  
қилади.



# ■ **Мускул фасциялари**

ҳосил бўлади:

- а) мушакларнинг охирлари ўзгариши ҳисобига (*кафт апоневрози, оёқ панжаси апоневрози, қорин ташқи қийшиқ мускули апоневрози ва бошқ.*);




■ б) мушакларнинг тўлиқ ёки қисман редукцияси ва уларнинг бириктирувчи тўқима билан алмашиши ҳисобига (*курак-ўмров фасцияси ва бошқ.*).





■ **Целомик фасциялар** келиб  
чиқиши эмбрионал  
ривожланиш  
даврида бирламчи  
бўшлиқлар шаклланишига  
боғлиқ.

Целомик фасциялар икки  
гурӯҳга ажратилган:

■ 1. Бирламчи  
целомик  
фасциялар:




■ буйин ичи,  
■ кўкрак ичи,  
■ қорин ичи.





## ■ 2. Иккиламчи целомик фасциялар:

- чамбар орти,
- буйрак олди.





# Йирингли жараёнларнинг мушаклар гуруҳига тааллуқли фасциал ғилофлардаги хусусиятлари.

- Фасциялар синергист мушаклар гуруҳлари учун фасциал ғилофлар ҳосил қилади. Қўл ва оёқнинг турли соҳаларида бир нечта фасциал ғилофлар мавжуд.
- Елкада 2 ғилов бор:
  - **олдинги** — букувчи мускулларга;
  - **орқа** — елканинг уч бошли мускулига.
- Биلاقда 3 фасциал ғилоф бор:
  - **ташқи** (m. brachioradialis);
  - **орқа** (ёзувчи мушаклар);
  - **олдинги** (букувчи мушаклар).



# Сон ва болдирдаги фасциал ғилофлар:


- буқувчи муқкулларга,
- ёзувчи муқкулларга,
- яқинлаштирувчи муқкуллага.




- Маълум бир мускул гуруҳида йирингли жараён ривожланишига қуйидаги топографик-анатомик хусусиятлар таъсир этади:
- а) фасция ва мушак орасидаги тирқишсимон бўшлиқ ҳажмининг камлиги: бу ҳолат фасциал ғилоф ичида йирингнинг кам миқдорда бўлишини ва патологик ўчоқ чуқурда жойлашганда маҳаллий белгиларнинг кам юзага чиқишини таъминлайди;
- б) фасциал ғилоф ичидаги мушаклар қон томир ва лимфа томирларига бой: бу ҳолат токсинларнинг тезда сўрилишига ва умумий интоксикация белгиларининг юзага келишига сабабчи бўлади;
- в) фасциал ғилоф деворининг қалин бўлиши йирингли жараённинг маълум бир ғилофда чегараланишига олиб келади.

Айрим мускуллар фасциал ғилофларида йирингли жараён ривожланиши клиник белгиларини топографик-анатомик асослаш

- **бўйинда** — тўш-ўмров-сўрғичсимон мускул (*«колбаса»симон флегмона; бўйин қийшайиши*);



- **сонда** — m.gracilis, m.sartorius (*оёқнинг ўзига хос ҳолати*).




- а) нисбатан юза жойлашиши, бу ҳолат маҳаллий симптомларнинг кучли бўлишига, инфильтрациянинг яхши аниқланишига, тери остида фасциал ғилофга мос келувчи шиш пайдо бўлиши;
- б) фасциал ғилофнинг берклиги ва ҳажмининг кичиклиги ғилоф ичида босим ортишига олиб келади, бу ўз навбатида мускулга келувчи қон томир ва нервларнинг қисилишига ва ишемик оғриқ синдроми тезда юзага келишига сабабчи бўлади;
- в) берк фасциал ғилоф ичида қон томир ва нервлар охирларининг қисилиши ушбу мускул ригидлигига олиб келади (бўйин қийшайиши, соннинг яқинлаштирилган ҳолатда бўлиши ва ҳакозо);

г) турли соҳаларга бирикувчи узун мускулар фасциал ғилофлари йирингли жараён тарқалишига сабабчи бўлади. Фасциал ғилофларнинг анча катта масофагача давом этганлиги йирингли жараёнларнинг «**сакраб**» тарқалиш каби ҳолатларни вужудга келтиради. Масалан, йирингли мастоидитда йиринг кўкрак соҳасига, тикувчилар мускули яллиғланганда қорин ва тизза соҳаларигача тарқалиши мумкин;



д) бундан ташқари фасциал ғилоф деворларида қон томир-нервлар ўтадиган тешиклар мавжуд бўлиб, улар йирингли жараёнларнинг атрофдаги фасциал ғилофларга тарқалишига сабабчи бўлади.

Шунингдек йирингли жараён фасциал ғилофдан мушкуллараро клетчаткага тарқалади.

Мушаклараро тирқишлар қўл ёки оёқнинг мушак қавати кўп бўлган соҳаларида аҳамиятга эга.



Билакнинг пастки учдан бир қисмида Пирогов клетчаткаси мавжуд. Бу клетчатка бўшлиғи орқадан квадратсимон пронатор, олдиндан бармоқларни букувчи чуқур мускул билан чегараланган.





- Йирингли жараённинг мушаклараро тирқишлар бўйлаб тарқалиши анча мураккаб кўринишда ҳам намоён бўлади.
- Масалан: йирингли коксит – ёнбош-бел мускули ва ёнбош суюги қаноти орасидаги яллиғланиш жараёни – ёнбош-бел мускули орқали соннинг яқинлаштирувчи мускуллари ғилофига; ташқи ёпқич мускул орқали думба соҳасига; ташқи ёпқич мускул бўйлаб тос бўшлиғига; соннинг олдинги соҳаси бўйлаб тиззага ва ҳ.к.
- Бундай мушаклараро тирқишларнинг анча чуқур жойлашиши сабабли яллиғланиш жараёнининг маҳаллий белгилари кам ифодаланган бўлади, лекин умумий белгилар шиддат билан ривожланади.



■ Пайлар (апоневрозлар) бўйича йиринг тарқалиши ўзига хос хусусиятларига эга.

■ Масалан, қўл ёки оёқ панжаси апоневрози бўйлаб. Улар учун ўзига хос хусусиятлар қуйидагилардан иборат:


а) катакчали тузилиш;

б) ушбу апоневрозларнинг бириктирувчи тўқимали структуралар орқали тери билан боғланганлиги;

в) апоневроз ости клетчаткасининг мавжудлиги.




- Панжадаги юза йирингли-яллиғланиш жараёнлари фақат чуқурга қараб тарқалади.



**Бунда комиссурал тешиклар аҳамияти катта.**


Йирингли жараён «қум соати» кўринишига эга бўлади.



- «Қум соати» кўринишидаги жараёнда беморнинг умумий аҳволи билан маҳаллий белгилар орасида номуносиблик мавжуд.
- Операция вақтида фақат юза ўчоқни очиш ва дренажлаш энг кўп учрайдиган хато ҳисобланади.

Мускул келиб чиқиш хусусиятига эга фасциялар бўйлаб яллиғланиш жараёнларининг тарқалиши қуйидаги хусусиятларига эга:

- А) флегмоналар фасциянинг бутун юзаси бўйлаб тарқалади (“ёйилиб оқиш” хусусияти);
- Б) маҳаллий симптомларнинг кучайиб бориши;
- В) йирингли ўчоқнинг қўшни соҳалардан чегараланганлиги (фасциялар тешиклар йўқлиги ва уларнинг суякларга бирикканлиги ҳисобига).



**Масалан: 3- ва 2-фасциялар орасидаги тўш усти апоневрозлараро клетчатка.**




Йирингли оқмаларнинг параангиал қинлар бўйлаб тарқалиши илк мартаба Н.И.Пирогов томонидан 1837 йили “Артериал поялар ва фасцияларнинг жарроҳлик анатомияси” номли асарида баён этилган.

- **Биринчи қонун:** барча томир қинлари зич бириктирувчи тўқима ҳисобига ҳосил бўлади (*яллиғланиш чегараланган*).
- **Иккинчи қонун:** томир қинлари кўндаланг кесимда призматик шаклга эга (*яллиғланиш ўчоғини очиш учун қулайлик*).
- **Учинчи қонун:** томир қинлари суякларга ёки бўғим капсулаларига бириккан (*яллиғланиш остеомиелит ёки артритга сабабчи бўлади*).

- Томир-нерв тутами қинлари йўналиши қўлоқ ўқиға мос келади.
- Фасциал қин деворлари қалинлиги яллиғланиш жараёнининг тезда артерия ёки вена деворига тарқалишига сабабчи бўлади.
- Параангиал қин яллиғланганда унда жойлашган қон томир ва нервларнинг комплекс шикастланиши кузатилади.
- Параангиал қин ичидаги ғовак клетчатка йирингнинг қин бўйлаб тезда тарқалишига олиб келади, бунга артерияларнинг пулсацияси ҳам қўшимча шароит яратади.


## Бирламчи целомик фасцияларнинг яллиғланиш жараёни тарқалишидаги аҳамияти

- Fasciae endocervicalis, endothoracica, endoabdominalis, endopelvina.
- Бу фасциялар йирингли жараённинг кенг тарқалишига, ва у соҳадан бошқа соҳага ёки бўшлиққа тезлик билан ўтишига сабабчи бўлади.



- Бўйиннинг превисцерал флегмоналари олдинги кўкс оралиғи клетчаткасига;
- Ретровисцерал флегмоналарда орқа кўкс оралиғига;
- Орқа медиастинитда йиринг тарқалиши кўкрак ичи фасцияси бўйлаб ёки плевра йўналишига мос ҳолда параплеврал клетчаткага;
- Параплеврал клетчаткадан диафрагмадаги тирқишлар орқали қорин парда орти бўшлиғи клетчаткасига;
- Қорин ичи фасцияси бўйлаб қорин парда орти бўшлиғидан тос бўшлиғи клетчаткасига тарқалиши мумкин.

- Тана бўшлиқларида юзага келган йирингли жараён фасция варақалари, тоирм-нерв тутамлари йўналиши, мукуллараро клетчакалар бўйлаб тананинг юза соҳаларига ҳам тарқалади. Бундай ҳолатлар юзага келишида анатомик тешиklar роли катта.



Пти учбурчаги (қорин парда орти флегмоналари).

## Йирингли жараёнлар тарқалишининг иккиламчи йўллари

- «Қайси жой ингичка бўлса, ўша жой йиртилади» тамойилига биноан фасциал ғилофлар ёки қинларнинг заиф жойлари мавжуд (*locus minoris resistentio*).
- Мускуллар фасциал ғилофлари заиф жойлари одатда фасциал ғилофнинг орқа деворида мавжуд.
- Томир-нерв тутами қинларининг олдинги девори мускул фасциал ғилофларнинг орқа деворлари ҳисобига ҳосил бўлади (Н.И.Пирогов). Одатда, мана шу иккита тузилмаларни чегаралаб турган фасция варағи мустаҳкамлиги анча паст.
- Шунинг учун йиринг мускул фасциал ғилофларида тўпланса, яллиғланиш жараёни тарқалиши кўпинча томир-нерв тутами қини томонга содир бўлади.

■ Бўғим капсулалари заиф жойлари (В. Ф. Войно-Ясенецкий), бу жойларга кўпинча пайлар яқин жойлашади.


■ Масалан, оёқда бош бармоқни букувчи узун мускул пайи болдир-панжа бўғими капсуласига; қўлда бармоқларни букувчи мускул пайлари кафт усти бўғимларига (*У-симон флегмона*).



# Ҳасмоллар таснифи



- Тери,
- Тери ости,
- Тирноқ (паронихий),
- Тендовагинит,
- Тендобурсит,
- Суяк,
- Пандактилит.



## ЙИРИНГЛИ ЖАРАЁНЛАРНИ ДАВОЛАШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Йирингли жараёнларни даволашда комплекс ёндашиш талаб этилади. Асрлар давомида моҳиятини йўқотмаган қоида, яъни **«Ubi pus, ibi evacu»** ҳозирги кунда ҳам муҳимдир, сабаби кенг очиш ва яхши дренажлаш асосий жарроҳлик усуллари.


Йирингли жараённи даволашда операциянинг мақсадлари:

- а) йирингли-некротик ўчоқни йўқ қилиш;
- б) йирингли жараённи чегаралаш;
- в) асоратларини олдини олиш;
- г) интоксикация билан курашиш.

Кесиш йирингли ўчоқ жойлашишининг топографик-анатомик хусусиятларига қараб амалга оширилади. Бунда қуйидаги талабларга риоя қилиш зарур:

- а) оператив очиб киришнинг анатомик жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги;
- б) кесимнинг етарлича катталиги;
- в) тўқималарни авайлаш;
- г) йиринг эркин ва тўлиқ оқиб кетиши учун шароит яратиш.


# Қўл ҳасмолларидаги кесимлар



# Қўл ҳасмолларидаги кесимлар



a



b



b





a



b



b



Йирингли ўчоқни кесиб очиш хусусиятлари:

- а) кесим узунлиги кесим чуқурлигидан 2 марта кўп бўлиши керак (жароҳат тўлиқ дренажланиши учун);
- б) жароҳатни пухта тафтиш қилиш керак (йирингли оқмаларни аниқлаш мақсадида);
- в) контрапертура, дренаж, ёки дренаж системаларини қўйиш.

Дренаж системалари

- **ОЧИҚ,**


- **ёПИҚ**

бўлади.

Очиқ дренажлар 2 гуруҳга бўлинган:


а) оғирлик кучи таъсирида ишловчи дренажлар (найчали ёки тасмачали дренажлар).

б) капилляр дренажлар (дока, жарроҳлик иплари, салфетка, турунда ва бошқ.).



## Ёпиқ дренажлар

- сифонли,
- вакуумли,
- дозаланган аспирацион
- ва бошқ.



# ХОТИМА

Америкалик олим ҳисобига кўра, жарроҳлик инфекциялари сабабли беморлар ва давлат томонидан сарф қилинаётган иқтисодий зарар бир йилда 7-8 миллиард долларни ташкил қилади.

Бундай ҳолат ҳамма мамлакатларга тегишли.